“Autosanoat agro lizing” МЧЖга ишга қабул қилиш учун номзод билан ўтказилган суҳбат

Баённомаси № 19

Тошкент шаҳри 06.08.2024 йил

Иштирок этувчилар: Б.Каримов, О.Сайфуллаев, Р.Атакулов, С.Атаматова, Х.Ниязалиев ва Ш.Ражабов.

Таклиф этилганлар: ишга қабул қилишга тавсия этилаётган номзод (Ш. Сурабов, Н. Абдурахмонов).

КУН ТАРТИБИ

1. **“Autosanoat agro lizing” МЧЖга ишга қабул қилиш учун номзод билан суҳбат ўтказиш.**

Эшитилди: Жамият бош директори ўринбосари - “Мониторинг ва маркетинг бошқармаси” бошлиғи О.Сайфуллаев, лизингга берилган кишлоқ хўжалиги техникалари лизинг олувчилар билан тузилган шартномалар талабларига биноан фойдаланилиши ва уларнинг ҳақиқий ҳолати мониторингини юргизиш ҳамда лизинг тўловларини графикларда белгиланган муддатларда ундирилишини таъминлаш мақсадида, вилоятлардаги филиалларга малакали мутахассислар олиниши лозимлигини маълум қилди.

Шунинг билан бирга, **“Қорақалпоғистон Республикаси филиали”** бош мутахассис лавозимига тавсия этилган номзод Шанхиев Махсетбай Толебаевични таништирди.

Жамият бош директори ўринбосари - “Мониторинг ва маркетинг бошқармаси” бошлиғи О.Сайфуллаев, бош директор ўринбосари - “Молия бўлими” бошлиғи Р.Атакулов, “Ходимлар ва иш юритиш бўйича” бош мутахассис С.Атаматова, “Мониторинг бўлими” бошлиғи Х.Ниязалиев, ва “Юридик бўлим” бошлиғи Ш.Ражабовлар томонидан, **“Қорақалпоғистон Республикаси филиали”** бош мутахассиси лавозимига тавсия этилаётган номзод **Шанхиев Махсетбай Толебаевич** билан унинг малакасини ўрганиш учун билими ва тажрибаси юзасидан савол-жавоб асосида суҳбат ўтказилди:

Мажлис иштирокчилари қарор қилади:

Ходимлар ва иш юритиш бўйича бош мутахассис С.Атаматова таклифига биноан, бош директорнинг филиаллар томонидан келгусидаги иш фаолиятида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан берган топшириқлари ҳамда номзод билан суҳбат ўтказиш учун “Мониторинг ва маркетинг бошқармаси”, “Молия бўлими” ҳамда “Юридик бўлим” мутахассисларини жалб қилиш тўғрисидаги кўрсатмалари маълумот учун қабул қилинсин.

“Қорақалпоғистон Республикаси” бош мутахассиси лавозимига тавсия этилаётган номзод **Шанхиев Махсетбай Толебаевич** билан суҳбат ўтказилган деб ҳисоблансин ва унга келишув варағини расмийлаштириш ҳамда ишга қабул қилиш ишлари ташкил этилсин.

Раислик қилувчи **С.Атаматова**

Котиб **Х.Ниязалиев**